

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТЛАШУВИДАГИ ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР

Холматов Немат Боймирзаевич

"Diplomat Universite" университети

"Иқтисодиёт ва рақамли технологиялар" кафедраси доценти

ORCID:0009-0001-9939-0234

NEW TRENDS IN INDUSTRIALIZATION OF UZBEKISTAN

Kholmatov Nemat Boymirzaevich

"Diplomat Universite" University

Associate Professor of the Department of "Economics and Digital Technologies"

ORCID:0009-0001-9939-0234

Аннотация Ушбу мақолада Ўзбекистондаги янги саноатлашув тенденциялари институционал ислохотлар ва иқтисодий ўзгаришлар контекстида тадқиқ қилинган. Хусусан, махсус саноат зоналари ва технопаркларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири ўрганилган. Электротехника саноати мисолида тармоқнинг экспорт салоҳияти ва инвестициявий жозибадорлиги таҳлил қилиниб, эришилган натижалар баҳоланган. Шунингдек, мақолада хомашё таъминоти ва кадрлар тайёрлашдаги мавжуд институционал муаммоларни ҳал этиш ҳамда ҳудудий саноатни ривожлантиришнинг стратегик истиқболлари бўйича илмий хулосалар баён этилган.

Калим сўзлар: Институционал ўзгаришлар, институционал муаммолар, саноат сиёсати, саноат ривожланиши, махсус саноат зоналари, махсус иқтисодий ва саноат зоналари, кичик саноат зоналари, технопарклар, индустриал технопарклар, электротехника саноати, ҳудудлар саноати, экспорт, ўсиш кўрсаткичлари

Abstract This article examines new trends in Uzbekistan's industrialization within the context of institutional reforms and economic transformations. Specifically, the impact of special industrial zones and technoparks on production efficiency is analyzed. Using the electrical engineering industry as a case study, the sector's export potential and investment attractiveness are evaluated. Furthermore, the article presents scientific conclusions on resolving institutional problems in raw material supply and personnel training, alongside strategic prospects for regional industrial development.

Keywords: Institutional changes, institutional problems, industrial policy, industrial development, special industrial zones, special economic and industrial zones, small industrial zones, technological parks, industrial technological parks, electrical engineering industry, regional industry, export, growth indicators

Кириш

Дунёда саноат маҳсулотлари бозорида рақобат тобора кучайиб, бундай вазиятда юқори қўшилган қийматли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган

давлатлар жаҳон бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнини таъминлаб турибди. Ўзбекистон иқтисодиётини институционал ислохотлар воситасида таркибий ўзгартиришда ҳам мана шу тамойил устувор аҳамиятга эга бўлиши лозим. Саноатда юқори технологик ва кам энергия истеъмол қиладиган тармоқларнинг бири электротехника соҳаси ҳисобланади. Бу тармоқни ривожлантириш қисқа муддатларда қўшилган қиймат яратиш имконини беради. Шу сабабли миллий саноатлашув жараёнида институционал ислохотларни жадаллаштириш ҳам янги омиллар ва имкониятлардан фойдаланишга олиб келади.

Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқот ишининг методологик асоси илмий билишнинг комплексли ёндашувларига таянади. Тадқиқот жараёнида муаммонинг моҳиятини чуқур ёритиш ва унинг таркибий қисмларини ўрганиш мақсадида тизимли ва структуравий таҳлил методларидан кенг фойдаланилди.

Шу билан бирга, илғор тажрибаларни ўрганиш ва ҳолатларни солиштириш учун қиёсий таҳлил усули ҳамда жараёнларнинг динамикасини баҳолашда институционал ўзгаришлар назарияси фаол қўлланилди. Тадқиқотнинг объективлигини таъминлаш мақсадида турли очиқ статистик маълумотлар ва концептуал

манбалар чуқур ўрганилиб, улар асосида мантикий умумлаштириш ва тегишли илмий хулосалар чиқариш ишлари амалга оширилди. Ушбу усуллар мажмуи тадқиқот натижаларининг аниқлиги ва асосланганлигини кафолатлайди

Таҳлил ва натижа

Ўзбекистонда саноатлашув жараёни жадаллашиб бормоқда. Саноатнинг миллий иқтисодиёт барқарор тараққиётидаги ўрни ва роли ҳам ортмоқда. Давлатнинг саноат сиёсатида институционал тартиб ва тамойилларнинг тобора таъсири кучаяётгани эса миллий иқтисодиётни саноатлаштиришнинг институционал муаммоларини ҳал қилиш тенденцияларини тавсифлайди.

Илмий адабиётларда "институционал" тушунчасининг маъноси ижтимоий ёки иқтисодий тизимдаги расмий ва норасмий қоидалар, меъёрлар, анъаналар ҳамда уларни таъминловчи ташкилотлар (институтлар)га тегишли, улар билан боғлиқ бўлган воқеликни англатади. Бу атама тузилмавий, ташкилий ёки қонуний асосларни масалан, институционал ўзгаришларни ёки институционал муаммоларни тушуниш ва ифодалаш учун қўлланилади¹.

Институционал ўзгаришлар — бу жамиятдаги мавжуд қонунлар, анъаналар, нормалар ва ташкилий тузилмаларнинг вақт ўтиши билан янгиланиши ёки ўзгариши жараёни ҳисобланади. Биз

¹ Қаранг: Холматов Н.Б. Институционал ўзгаришларнинг иқтисодий ўсиш ва турмуш фаровонлигига таъсири. <https://cyberleninka.ru/article/n/institutsional-zgarishlarning-i-tisodiy-sish-va-turmush-farovonligiga-tasiri>. Маматов А. Миллий иқтисодиётнинг институционал таркибий тузилмаси ва уни такомиллаштириш йўналишлари. <https://cyberleninka.ru/article/n/milliy-i-tisodiyotning-institutsional-tapkibiy-tuzilmasi-va-uni-takomillashtirish-y-nalishlari/viewer>.

уларнинг ҳаммасини умумлаштириб, «ўйин қоидалари» деб атаймиз. Айтиш ўринлики, институционал ўзгаришлар нафақат янги қонунлар қабул қилишни, балки жамиятдаги ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи тизимнинг замонавий талабларга мос трансформациясини англатади.

Тор маънода қараганда, машҳур иқтисодчи Дуглас Норт таърифига кўра, бу жараённинг асосий субъекти тадбиркорлар ва ташкилотлар бўлиб, улар нисбий нархлар ёки афзалликлар ўзгаришига жавобан мавжуд қоидаларни ўзгартиришга интиладилар².

Юқорида тилга олинган институционал муаммоларни (бюрократия, транзакция харажатларининг юқорилиги) умуммиллий даражада тезкор ҳал этиш мураккаб жараёндир. Шу сабабли, Ўзбекистонда 'кичик ҳудудларда намунали институтлар' яратиш стратегияси танланди. Яъни, Махсус иқтисодий зоналар ва Технопарклар — бу тадбиркорлар учун соддалаштирилган 'ўйин қоидалари' амал қиладиган, бюрократик тўсиқлардан холи бўлган институционал оролчалар сифатида намоён бўлмоқда.

Кенг маънода айтганда, "институционал ўзгаришлар муттасил такрорланиб, такомиллашадиган динамик жараён. Биринчиси, янги ҳаётий заруратларнинг пайдо бўлишидир. Масалан, юртимизда янги давлатчилик шаклланиши, бозор муносабатларига ўтиш билан қатор янги институтларга эҳтиёж пайдо бўлди. Иккинчиси, мавжуд институтларни такомиллаштириш,

уларнинг ихтисослиги ва вазифаларини конкретлаштиришдир»³.

Умуман олганда, институционал муаммолар — бу давлат, жамият ва хўжалик ҳаётида юзага келадиган иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қоидалар, қонунлар, анъаналар (институтлар)нинг етарли даражада самарали ишламаслиги, манфаатлар тўқнашувидаги зиддиятларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги, замонавий муносабатларни тартибга солишда номукамаллиги вазиятини ифодалайди. Натижада бу муаммолар мулк ҳуқуқининг етарли даражада ҳимояланмаганлиги, бюрократия, коррупция ва ўзгариб турувчи ноаниқ қоидалар орқали иқтисодий ўсиш ҳамда ижтимоий тараққиётни чекловчи тўсиқларни бартараф этишга ҳалақит беради.

Ўзбекистонда ислохотларнинг институционал асосларини мустаҳкамлаш ва миллий иқтисодиётнинг глобал иқтисодий тизимга интеграциясини чуқурлаштириш кўп жиҳатдан институционал ўзгаришларни талаб қилади. Хусусан, давлат-хусусий шерикликда давлат ва хусусий инвестицияларни тартибга солувчи ягона қоидаларни қабул қилиш, рақобат ва инвестицияларни бошқаришни такомиллаштириш соҳасида қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш, давлат корхоналари бошқарувини модернизация қилиш (бунда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш мажбурийлиги кабилар), солиқ базасини кенгайтириш ва халқаро солиқ ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

² Қаранг: Ali Hussein Samadi, Institutions and Institutional Change: Concepts and Theories. In book Dynamics of Institutional Change in Emerging Market Economies (pp.107-132). <https://www.researchgate.net/publication/350730920>

Institutions and Institutional Change Concepts and Theori.

³ Тўхлиев Н. Институционал ўзгаришлар самараси мамлакат тараққиётида аксланади.//<https://yuz.uz/oz/news/institutsional-ozgarishlar-samarasi-mamlakat-taraqqiyotida-akslanadi>.

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунни қабул қилиш ва коррупцияга қарши курашиш; ҳамда ЖСТга аъзо бўлиш жараёнларида миллий қонунчиликни жаҳон савдо ва халқаро инвестиция меъёрларига мослаштириш каби ислохотлар зарур. Шу сабабли институционал ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ. Институционал ўзгаришларнинг ички ва ташқи омилларга боғланган, глобал ўзгаришлар таъсирида ҳамда ички талаб ва эҳтиёжлар асосида рўй бериши ислохотларнинг натижадорлигига ва тадрижийлигига ижобий таъсир этади.

Ўзбекистон ҳукумати бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Хусусан, яқинда Осиё тараққиёт банки Ўзбекистонга давлат сектори самарадорлигини ошириш, давлат корхоналари бошқарувини модернизация қилиш ва ЖСТга аъзо бўлишга тайёргарлик кўришга қаратилган иқтисодий ва институционал ислохотларни қўллаб-қувватлаш учун ҳамкорлик пакетини маъқуллади⁴.

Саноат ривожланиши олдида ҳам, мазмун ва моҳиятига кўра, институционал муаммолар мавжуд бўлиб, улар мукамал бўлмаган ҳуқуқий база, юқори транзакция харажатлари, бюрократия, расмий

институтлар билан ёнма-ён норасмий институтларнинг таъсири ҳамда бошқарув самарадорлигини таъминлаш каби йўналишларда ўзини намоён этади.

Юқорида таъкидланган муаммоларни саноат ишлаб чиқариши соҳасида ҳал этишда Ўзбекистонда янги ёндошувлар амалга оширилмоқда. Саноатни ривожлантиришга қўшимча ташкилий-иқтисодий ва институционал шарт-шароит бўлиб ҳисобланадиган махсус саноат зоналари, махсус иқтисодий ва саноат зоналари, кичик саноат зоналари, технопарклар, индустриал технопарклар, инновацион технопаркларни ташкил этиш, ривожлантириш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича давлат раҳбари ва ҳукуратимиз томонидан 2017-2025 йилларда 50 дан ошiq давлат ва ҳукурат қарор ва фармонлари қабул қилинди.

Хусусан, "Сўнгги икки йил (2024-2025) давомида Самарқанд, Андижон, Қўқон, Тошкент шаҳри ва бошқа ҳудудларда янги технопарк ҳамда махсус саноат зоналарини ташкил этиш бўйича 10 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди⁵. Бу ҳужжатлар натижасида республиканинг турли ҳудудларида саноат кластерлари ва инновацион майдончаларнинг янги

⁴ ОТБ Ўзбекистонда институционал ислохотларни қўллаб-қувватлаш учун 500 млн доллар кредит ажратади. <https://www.gazeta.uz/uz/2025/10/15/adb/>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Андижон технопарки" махсус саноат зонасини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори (14.04.2025 й. 228-сонли), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Махсус иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони (04.03.2025 й. ПФ-41-сонли), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қўқон технопарки" махсус саноат зонасини ташкил этиш

тўғрисида"ги Қарори (23.12.2024 й. 876-сонли), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Нукус ёшлар технопарки фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори (20.08.2024 й. 522-сонли), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Кичик саноат зоналари ҳамда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари тадбиркорларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори (17.07.2024 й. 432-сонли), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳрида "Янги авлод" махсус саноат зонасини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори (20.03.2024 й. ПК-138-сонли)

институционал муҳити
шакллантирилди.⁶

2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Махсус иқтисодий, кичик саноат, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, ҳамда "Худудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилиниши эса кичик ва хусусий тадбиркорлик ривожланишига сезиларли даражада институционал ва ташкилий-иқтисодий қулайликларни яратиб берди.

Ўзбекистон саноатининг машинасозлик ва электротехника тармоқларини жадал ривожлантирилиши илмталаб ва юқори технологияли ишлаб чиқариш укладини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади. Яратилган ушбу янги институционал имкониятларнинг амалий натижасини драйвер соҳалардан бири — электротехника саноати мисолида яққол кўриш мумкин. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Машинасозлик ва электротехника махсус саноат хаби" махсус саноат зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори 2021 йил 27 майда қабул қилиниб, кейинроқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан мазкур қарор ижросига оид "Машинасозлик ва электротехника махсус саноат хаби" махсус саноат зонаси чегарасини белгилаш ва ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-

тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳам қабул қилинган эди. Натижада "Eltech Industrial" технопаркини бошқариш дирекцияси" давлат муассасаси фаолияти ташкил этилиб, соҳада ташкилий-иқтисодий жиҳатдан ўзига хос технопаркини бошқариш тизими шаклланди.

Ўзбекистонда машинасозлик ва электротехника саноатини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида махсус саноат хаблари ташкил этилмоқда. 2021 йилдаги қарорларга кўра, ушбу тармоқларда ислоҳотларни чуқурлаштириш ва юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш устувор вазифа ҳисобланади.

Машинасозликда автомобиль, кишлоқ хўжалиги техникалари ва улар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш, электротехника соҳасида эса электроника ва маиший техника маҳсулотларини маҳаллийлаштириш давлат саноат сиёсатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Бу соҳаларни саноат хабларини, яъни махсус зоналар ташкил этиш орқали ишлаб чиқарувчиларга солиқ ва божхона имтиёзлари бериш билан тараққий эттириш мақсад қилинган. Истиқболда бу соҳалар мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва инновацион салоҳиятини оширишнинг асосий драйверларига айланиши белгиланган⁷.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15-октябрдаги "Электротехника саноатида хомашёни чуқур қайта ишлашни рағбатлантириш, соҳанинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини оширишнинг қўшимча чора-

⁶ Алимов Б.Б. Кичик саноат зоналарини ташкил этишнинг моҳияти, аҳамияти ҳамда жараён кетма-кетлиги. //solution of social problems in management and economy international scientific-online

conference
file:///c:/users/user/downloads/sspme+0807%20(1).pdf.
⁷ <https://lex.uz/uz/docs/5639407>.

тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-304-сонли қарори электротехника саноатининг миллий, минтақавий ва жаҳон бозоридаги мавқеини ошириш мақсадида қабул қилиниб, соҳада шу давргача амалга оширилган молиявий-иқтисодий, ташкилий ва институционал ислохотларни янада чуқурлаштириш учун

қулай шароит яратди.⁸ Тармок даражасидаги ушбу ижобий тажриба эндиликда ҳудудий саноат сиёсатида ҳам трансформация қилинмоқда. Хусусан, республика — вилоят — туман занжири асосида саноатлашувни жадаллаштириш бўйича янги мақсадли кўрсаткичлар белгилаб олинди (1-жадвал)

1-жадвал

Ўзбекистонда электротехника саноати ривожланиш кўрсаткичлари⁹

	2017 йил	2024 йил	2024 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариш, баробар
Бандлик, киши	14 300	25 000	1,8
Инвестициялар, млн. доллар	84,0	516	6,1
Корхоналар сони, дона	724	932	1,3
Экспорт ҳажми, млрд. доллар	0,190	1,3	7,1
Мисни қайта ишлаш (тайёр маҳсулот учун), минг тонна	32,7	92,2	2,9

2017-2024 йилларда электротехника саноати ишлаб чиқариш кўрсаткичлари узлуксиз динамик тарзда яхшиланиб борди. (қаранг: 1-жадвал)

Электротехника саноати экспорти 2017-2024 йилларда 7,1 марта ошди, яъни 190 млн доллардан 1,3 млрд долларга кўпайди. Бу динамик кўрсаткичлар кўп жиҳатдан соҳага киритилган инвестициялар ҳажмини ошириш ҳисобига таъминланган бўлса, инвестицияларнинг юқори суръатларда жалб этилишига қулай инвестицион ва

институционал муҳитнинг яратилганлиги таъсир этди.

Экспортни қўллаб-қувватлаш натижасида маиший техника, кабель-ўтказгич маҳсулотлари ва бошқа электротехника товарлари экспорти устувор аҳамиятга эга бўлди. Тармокни ривожлантиришдан кўзланган асосий мақсад эса соҳанинг юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини оширишдан иборат бўлди.

⁸Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), <https://nrm.uz/contentf?doc=791430>.

⁹“Ўзэлтехсаноат” маълумотлари асосида ҳисобланди.

**2025-2026 йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳудудлар
кесимида эришиладиган ўсиш суръатларининг
мақсадли кўрсаткичлари¹⁰**

Т/р	Ҳудудлар номи	2025 йил	2026 йил	2025-2026 йиллар ўртачаси, %
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	103,6	105,0	104,3
2.	Андижон вилояти	107,2	106,0	106,6
3.	Бухоро вилояти	107,5	106,5	107,0
4.	Жиззах вилояти	110,5	107,5	109,0
5.	Қашқадарё вилояти	107,0	106,2	106,6
6.	Навоий вилояти	109,4	106,0	107,6
7.	Наманган вилояти	109,1	107,5	108,3
8.	Самарқанд вилояти	107,0	106,5	106,8
9.	Сирдарё вилояти	106,0	106,2	106,1
10.	Сурхондарё вилояти	107,0	107,5	107,3
11.	Тошкент вилояти	106,5	107,2	106,9
12.	Фарғона вилояти	106,2	106,5	106,4
13.	Хоразм вилояти	107,5	106,7	107,1
14.	Тошкент шаҳри	106,3	106,5	106,4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудларда саноатни жадал ривожлантириш ва саноат корхоналарини экспортга жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2025 йил 4 октябрдаги ПҚ-295-сонли Қарори билан саноат сиёсатининг янги параметрлари белгилаб берилди. Хусусан, бу қарорда ҳудудларда саноатни жадал ривожлантириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарининг экспорт салоҳиятини янада ошириш, шунингдек, маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлашга қаратилган саноат сиёсатининг устувор йўналишлари кўрсатиб берилди.

Ўзбекистонда 2025-2026 йилларда ҳудудларда саноатни ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари этиб қуйидагилар белгиланган:

- республика саноатида ҳудудий саноатнинг улушини 45 фоизга етказиш;
- туманларда илгари ўз маҳсулотини экспорт қилмаган жами 100 та корхонани экспорт фаолиятига жалб қилиш ва экспортчи корхонага айлантириш;
- ҳар бир туман ва шаҳарда қўшимча захираларни аниқлаш ва йўналтириш орқали саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қўшимча 5 фоизга ошириш;
- ҳудудларда 34 та юқори технологияли саноат лойиҳаларини

¹⁰ Манба: <https://lex.uz/uz/docs/7759270> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

амалга ошириш орқали саноатда технологик маҳсулотлар улушини 25 фоизга етказиш ва 3,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратиш;

- ҳар бир туман ва шаҳарларда 5 тагача саноат «ўсиш нуктаси»ни ривожлантириш;

- Ютуқлар билан бирга, соҳада ҳалигача хомашё занжирининг узилувчанлиги ва малакали кадрлар етишмовчилиги каби институционал ечимини кутаётган масалалар сақланиб қолмоқда. Шу боис, келгуси ислоҳотларда айнан ушбу омилларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ютуқлар билан бирга, соҳада ҳалигача хомашё занжирининг узилувчанлиги ва малакали кадрлар етишмовчилиги каби институционал ечимини кутаётган масалалар сақланиб қолмоқда

Хулоса

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган янги саноатлашув сиёсати чуқур институционал ислоҳотлар билан уйғунликда ривожланмоқда. Тадқиқот натижалари кўрсатдики, махсус иқтисодий зоналар, технопарклар ва саноат кластерларининг ташкил этилиши

иқтисодиётда “ўйин қоидалари”ни такомиллаштиришга, транзакция харажатларини қисқартиришга ва қулай инвестицион муҳит яратишга хизмат қилмоқда.

Хусусан, электротехника саноати мисолида кузатилган ижобий динамика — инвестициялар ҳажмининг ошиши ва экспорт салоҳиятининг 7 баробарга ўсиши — давлат томонидан яратилган институционал имкониятларнинг амалий самарасидир. Эндиликда ушбу ижобий тажрибани “республика — вилоят — туман” тамойили асосида ҳудудларга трансформация қилиш устувор вазифага айланди.

Шу билан бирга, тармоқнинг барқарор тараққиёти хомашё занжиридаги узилишларни бартараф этиш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш каби институционал муаммоларнинг ечимига боғлиқдир. Пировардида, саноат сиёсатидаги мазкур институционал ўзгаришларнинг изчил давом эттирилиши Ўзбекистоннинг глобал қўшилган қиймат занжиридаги ўрнини мустаҳкамлашга ҳамда юқори технологияли, рақобатбардош миллий иқтисодиётни шакллантиришга замин яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. [https:// president. uz/ uz/ lists/ view/8834](https://president.uz/uz/lists/view/8834)
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 19 декабрдаги 802-сон “Саноат зоналарини бошқариш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 4-мартдаги ПФ-41-сон "Махсус иқтисодий ва саноат зоналари фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19-августдаги ПҚ-459-сон "Eltech Industrial" технопаркини бошқариш дирекцияси" давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17-сентябрдаги 582-сон "Машинасозлик ва электротехника махсус саноат хаби" махсус саноат зонаси чегарасини белгилаш ва ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27-майдаги "Машинасозлик ва электротехника махсус саноат хаби" махсус саноат зонасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5128-сонли Қарори.

7. Холматов Н.Б. Институционал ўзгаришларнинг иқтисодий ўсиш ва турмуш фаровонлигига таъсири. <https://cyberleninka.ru/article/n/institutsional-zgarishlarning-i-tisodiy-sish-va-turmush-farovonligiga-tasiri>.

8. Маматов А. Миллий иқтисодиётнинг институционал таркибий тузилмаси ва уни такомиллаштириш йўналишлари. [https:// cyberleninka. ru/article/n/milliy-i-tisodiyotning-institutsional-tapkiy-tuzilmasi-va-uni-takomillashtirish-y-nalishlari/viewer](https://cyberleninka.ru/article/n/milliy-i-tisodiyotning-institutsional-tapkiy-tuzilmasi-va-uni-takomillashtirish-y-nalishlari/viewer).

9. Норт Дуглас. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики. Перевод на русский язык: А.Н.Нестеренко. -М.,1997.// Электронная публикация: Центр гуманитарных технологий. — 07.09.2013.URL:<https://gtmarket.ru/library/basis/6310/6311>.

10. Ali Hussein Samadi. Institutions and Institutional Change: Concepts and Theories. In book Dynamics of Institutional Change in Emerging Market Economies (pp.107-132). [https:// www.researchgate.net/publication/ 350730920 Institutions and Institutional Change Concepts and Theori](https://www.researchgate.net/publication/350730920-Institutions-and-Institutional-Change-Concepts-and-Theori).

11. Алимов Б.Б. Кичик саноат зоналарини ташкил этишнинг моҳияти, аҳамияти ҳамда жараён кетма-кетлиги.//solution of social problems in management and economy international scientific-online conference user/ downloads/ sspme+0807%20(1).pdf.

12. <https://lex.uz/uz/docs/5639407>.

13. [https:// nrm.uz/content.doc=791430](https://nrm.uz/content.doc=791430).

14. <https://uzeltech.uz>. "Ўзэлтехсаноат" маълумотлари.